

## Қурбонлик қилувчи ҳожиларга

05:00 / 16.01.2017 4820

**САВОЛ:** Қурбонлик қилмоқчи бўлган одам ҳожиларга ўхшаб тукларини ва тирноқларини олмасдан юриши керак, деган гапни эшитиб қолдим. Шу тўғрими?

**ЖАВОБ:** Бундай гап бор. Имом Муслим Умму Салама онамиз разийаллоҳу анҳодан ривоят қилган ҳадиси шарифда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам шуни тавсия қилганлар:

يُفِي وَأَيْشٍ هَرَشِبٍ وَهَرَعَشٍ نَمَّ سَمِيَّ الْفِي حِضِّي نَا مَكْضَعِبٍ دَارًا وَرَشَعَلًا لِحَدِّ إِذَا  
نَا دَارًا وَحَجَلًا إِذْ لَالَهُ يَأْرَنَمَ إِوْرِي وَارْفَظَّ نَمَلْقُيَّ وَارْعَشَّ نَخِي الْفِي إِوْرِي  
مَلْسَمَ هَاوْرٍ. هَرَاظًا نَمَّ الْوَهَرَعَشِ نَمَّ نَخِي الْفِي حِضِّي

“Қачонки Зилҳижжанинг ўн кунлиги кирса, (унинг ҳилолини кўрса), сизлардан бировингиз қурбонлик қилмоқчи бўлса, сочи-тукларини ва тирноқларини олмасин!”.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бу буйруқлари вожиб эмас, балки мустаҳаб эканлигини барча уламолар таъкидлаганлар. Демак, шундай қилса, яхшироқ. Қилмаса, айб эмас.

Бироқ, тирноқ олиш ва баданни туклардан тозалашнинг ўз вақти ҳам бор. Уларни ҳар ҳафтада бир марта олиш афзал, ўн беш кунда бир олиш яхши, қирқ кундан ўтказмаслик керак бўлади. Бу ўтган барча Пайғамбарларнинг суннатлари эканлиги барчага маълум. Буни Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам таъкидлаганлар. Шунинг учун “Музмарот”, “Шарҳ ал-Муниййа” ва “Радд ул-муҳтор” каби ҳанафий мазҳабининг фикҳий асарларида тирноқ ва туклар жуда ўсиб кетадиган бўлса, Пайғамбарлар суннатига амал қилиб, ўн кунликда бўлса ҳам олиш керак, дейилади. (Аллома Ибн Обидийн ад-Димишқий. “Радд ул-муҳтор”. III-жилд. –Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмиййа, 2003. 66-бет).

Демак, юқоридаги ҳадисга амал қилмоқчи бўлган ақлли одам Зулҳижжа киришига бир кун қолганда мисоли ҳожиларга ўхшаб, тайёргарлик кўриб, ҳамма жойини тозалаб, кейин суннатга амал қилишга киришар экан.

Ҳамидуллоҳ Беруний